Жуманиёз ЖАББОРОВ



# ОРО БЕРДИМКИ ГУЛЛАРГА

## ЎЗБЕК ГЎЗАЛИГА

Офарин ҳуснинггаю қадду камолингга шараф,
Офарин дер сенга дунё — етти иқлим, тўрт тараф.

Бунча дилбарлик билан оламни мафтун айладинг,
Сен қуёшсан, талпинур диллар гўёким ўт-алаф.

Ғунчалар мулзам бўлар гар лаб очиб кулсанг ширин,
Тишларинг барқин кўриб, дарёга қочгайдир садаф.

Бир гўзал гулсан, парирўсан, санамсан, сарвқад,
Йўлларингда гул поёндоз, сарвлар таъзимда саф.

Сен Самарқанду Бухоронинг мужассам ёғдуси,
Балки унган гулшанинг Фарғона, Урганч ё Насаф?

Сир Гулистонию Сурхон соҳили масканмидир,
Жиззаху Тошкент аро кўргач сени, жисмимда заъф.

Ҳар нечук сен Ўзбекистон кўркидан шўх бир жило,
Ҳуснинга кўз тегмасин, бўлсин бало гумдону даф.

## ЭШИТДИМ

Эшитдим, майл этибдир сайр қилмоқ ёр боғимда,
Бу гапдан бўлди бош осмондаю оғзим қулоғимда.

Ўзимни қўйгали жой топмайин, ҳар ён югурмишман,
Неча орзую истак жўш уриб кўнглу қароғимда.

Оро бердимки гулларга, улар қалбимни акс этсин,
Тарошлаб майсаларни кўрк бериб киприк тароғимда.

Токим ёр кўрсалар яйраб, табассум этсалар, шу бас,
Неча минг ифтихорлар ёзилур кўнгил вароғимда.

Зилол сувларга ёлбордим, дилимни ёрга айтсинлар,
Санам шоядки раҳм айлаб сўз очса иштиёқимда.

Деса: «бечора ошиқни билурман, неча йилларким,
Хазон япроғи янглиғ сарғариб юргай фироқимда».

Яна қушларга таъйин-таъйин этдим илтижо айлаб,
Менинг меҳримни изҳор айласин ҳайратда чоғимда.

Тағин елларга кўксим кенг очиб кўп арзи ҳол этдим,
Хабардор айлангиз ёрни, дедим, аччиқ сабоғимда.

Кутиш бахтики менга шунча шодлик армуғон этди,
Висол онин тасаввур этгали ранг йўқ бўёғимда.

## РУҲ ИЛА ЖИСМИМ АРО

Неча бир маъно мужассам бўлса гар исмим аро,
Шунча мавжуд зиддият ҳам руҳ ила жисмим аро.

Руҳ самовийлик тилар, жисмимга маскандир замин,
Бул муаллақлик аро билдим ҳаётнинг замзамин.

Ҳу, чарақлаб турган ул юлдуз менингдир, шубҳасиз,
Ердаги ҳар битта тош ҳам менга жонимдек азиз.

Оқ булутлар узра парвоз айлаган қушдир руҳим,
Боғ аро япроқ куйидан тарқалур бор андуҳим.

Ишқи олий бахш эрур руҳимга парвоз бахтини,
Ерда ёрим севгиси тортиқ этур шоҳ тахтини.

Икки оташ, икки мавж ичра сузар жону таним,
Иккиси ўз манзилимдир — энг суюкли масканим.

## ЁР ХАЁЛИ

Ҳар кечаки, ой осмонда тулу қиладир,
Ул паривашим ёди жонда ғулу қиладир.

Кўнгулда шунча дард-фарёдки, бунчалик ғамни
Ошиққа қайси бир замонда сулув қиладир?

То тонг қадар юлдуз санаш бўлди одатим,
Ул хаёл мени, оҳ, маҳруми уйқу қиладир.

Гоҳ оташ ичра ўртаб мени дилбар хаёли,
Яхга ўгириб гоҳ кечалар сув-сув қиладир.

Йиғламоқ ила ёйилмағай дилда афғоним,
Гарчи кўзимдан ёш шашқатор дув-дув қиладир.

То лашкари ғам хуруж айлар, не холатки, Ниёз,
Унга рўбарў бормоқни дил орзу қиладир.

# БИР ТУШДАН УЙҒОНДИМ...

Хосият РУСТАМОВА



Бир тушдан уйғондим, тушларинг,
Бунчалар шоирдек бир латиф.
Мен қандай ухлайин қушларнинг
Қоп-қора кўзига айланиб.

Мен сендан қўрқаман. Тонг саҳар,
Азобдан силқиса товонинг.
Қип-қизил кўйлакда тун қадар
Йиғлатиб чиқаман самони...

Юлдузлар оромин бузди ким,
Юрагим йиғлайди йўргакда.
Дардимни ёпиниб, аста — жим
Чиқаман қип-қизил кўйлакда...
Бир тушдан уйғондим,
Тушларинг,
Гулсевар шоирдек бир латиф.

* * *

Нега кўйлакларинг қолди битмайин,
Ҳали бу дунёга келмаган одам.
Нега чап кўксимда оғриётир жон,
Ҳали бу дунёга сиғмаган ОДАМ.
Нечун кийилмаган кўйлакларинг доғ,
Нечун ғам супурар йўлакларингни.
Сенинг келмасингни
биламан, аммо
Мен ҳануз тикяпман кўйлакларингни.
Мен сени топмасдан
кетаётирман,
Қуёшдан ишқ сўраб
беруҳ дилларга.
Исмингни ўргатиб ўтаётирман,
Исмсиз туғилган атиргулларга.

* * *

Кимнинг кўзларида яшаяпсиз жим,
Кимнинг кечагидек кўзлари оғрир.
Бир қўшиқ эшитдим бугун, севгилим,
Бир қўшиқ эшитдим юракдек оғир.
У шундай қўшиқки...
Бир Сиз биласиз,
Бир қайғу билади кўйлаклари оқ.
Мен бугун кўзларни унутиб, ёлғиз
Йиғламоқ истадим, фақат йиғламоқ.
Ўйчан тун.
Мудрайди ожиз сукунат,
Йиқилгум оловдил ишқ бодасига.
Тонг мени поклаб бер, бошимни қўяй,
Юракнинг йиртилган сажжодасига...
Кимнинг кўзларида яшаяпсиз жим.

* * *

Сиз кунда адашдингиз,
Мен ойларда адашдим.
Сиз шодлик йўлида-ю,
Мен ғамларда адашдим.
Нега кузак, боғларни
Гуллар билан талашдим?!
Кетдим...
кетар чоғимда,
Боғ билан хайрлашдим.
Сиз кулиб адашдингиз,
Мен-чи йиғлаб адашдим.
Сиз куйлаб адашдингиз,
Мен-ку бўзлаб адашдим.
Бу йўллар меҳварида.
Дарёлар кўп.
Йўллар кўп,
Сиз сўқмоқда,
мен эса
Равон йўлда адашдим.
Оқшом чўкса кулбамга,
Кириб келар ваҳима.
Бу қаро ёлғизликни,
Кўнгил қилар таржима.
Сиз кетасиз тунлари,
Тунларда адашгани...
Мен эса куппа-кундуз,
Зиёларда адашдим.
Соғинасиз бир куни,
Адашган туйғуни ҳам.
Қувасиз уйингиздан,
Бир бахтсиз уйқуни ҳам...
Сўнг отилиб чиқасиз,
Уйингиздан узоққа,
Сиз титроқда, мен эса,
Фироқларда адашдим.
Уйингизга қайтасиз,
Қайтгандай зимистонга.
Йиғлаб қўшиқ айтасиз,
Бешикдаги Ватанга.
Сиз бир гўзал ерда-ку,
Мен осмонда адашдим.
Менинг кулбам ўкинчдан.
Келмайди юлдузлар ҳам.
Бу қайғунинг олдида
Адашар кундузлар ҳам.
Сиз ёруғ хоналарда
Соғиндингиз қуёшни.
Сиз қасрда,
мен эса,
Мисраларда адашдим.
Тонг бир маҳал уйғотар
Ўзин севган қушларни.
Тун бир куни йўқотди
Тушдаги Кумушларни...
Шундан буён беруҳсиз,
Келмайсиз ўзингизга.
Сиз тушда адашдингиз,
Мен ҳушимда адашдим.
Неча ёз, баҳор ўтди,
Қолиб кетдим қишларда.
Сиз менга юрак бўлиб,
Келдингиз урушлардан...
Шамол бўлиб бир оҳанг,
Синдирар кўзгунгизни.
Қарайсиз...
Уфқ — лоларанг,
Қон челаймиш кўйлагингиз...
Сиз ойда адашдингиз,
Мен йилларда адашдим.

* * *

Дераза ортида йиғладим,
Қўшилиб йиғлади дераза.
Кетиб бўлган эдинг қарасам,
Ҳаммаси беҳуда, беҳуда..
Кунлар кўп-орзулар зиёда,
Ёмғирлар ёғади бемаврид.
Сен қачон келасан дунёга,
Марварид, марварид, марварид...
Сен менинг йиғимдан безорсан,
Кўнглимдан кўчади ситора,
Ер-кўкнинг ёшига туну кун
Қандай чидар экан бечора...
Дераза ортида йиғладим.

# СОЯСИ ЭМАС, ЎЗИ КЕРАК!

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

### Истиқлол ва адабий жараён

Кимнинг, ниманинг сояси тўғрисида сўз кетаяпти? «Ўзи» дейилганда ким, нима назарда тутилаяпти?

Айни шу саволларга жавоб топиш учун қуйидаги парчанинг мағзини чақайлик:

У тўхтади
тақҳа тўхтади сояси ҳам
қотиб қолди у
ҳаракатланаётган соясини кўриб
унинг вужудидан
соя ўз вужудини ажратди

Бу сатрларни ўқиганингиздан кейин, саволларга жавоб топиш ўрнига тағин бошқа саволлар туғилаётганини англашингиз қийин эмас. Йўқ, саволлар бериламерсин, бироқ бирор аниқлик киритилмаётгани яққол сезилади. Кечирасиз, кимнингдир қаердадир тўхтагани-ю, у билан бирга сояси ҳам қотиб қолгани айтилган-ку! Бинобарин, Оллоҳнинг қайси бир бандаси тўғрисида сўзланаётганини шахсан ўзим ҳис қилаяпман, тасаввур қилаяпман-ку!

Майли, шундай бўлсин, дейлик, бироқ ўша инсоннинг соясида қандай вужуд бўлсин? Тағин соя вужудидан ўз вужудини ажратганини қандай тушуниш керак?

Балки, бу жумбоқлар ечилиб қолар дея, шеър давомига назар ташлаймиз:

бир силкинди кейин
ўттиз йиллик бандиликдан сўнг
роҳат қилиб керишиб олди
бор-йўғи битта кўз сўради соҳибидан
соҳиби берди
бир қўл сўради
уни-да берди соҳиби
бир кўз
ва битта қўл билан
соҳиби ила хайрлашди соя
жим эди
жим эди соясиз одам
забони кетибди рухсат сўрамай
унинг кўрган-билганлари ҳақида
гапириб юради энди сояси

Сезаяпсизми, соя соҳиби, яъни эгаси бир қўлу кўзидан маҳрум бўлганидан кейин унинг тили ҳам ўзини сўроқсиз тарк этибди ва, ниҳоят, ўзлигини йўқотибдики, бундан ҳам оғир фожиа борми дунёда?

Ҳа, бор, бу — ўлим, дейишингиз мумкин...

Аксинча, тириксизу, бироқ тилсиз кун кечираяпсиз, дейлик. Хўш, бу жаҳаннамнинг ўзгинаси эмасми? Ахир, дилингиздагини тилингизга чиқара олмасангиз, ичингиздаги дарду аламлар ҳамда қувончларингизни ошкор этишга имкон берилмаса, бу — зўрлик, зўравонлик бўлиб, қулликни, манқуртликни келтириб чиқармайдими?

Мана, мустақиллик даврида, ҳа, келтириб чиқаради, деб баралла айтмоқдамиз ва айтганимизни юқорида келтирилган сатрлар тасдиқлаяпти. Чунки уларда инсон бир кўзу бир қўл билан бирга забонидан маҳрум этилса, бу — даҳшатли фожиа-ку, деган фикр билдирилган, лекин тўғридан-тўғри, бевосита эмас, балки муайян сўзлару иборалар, гапларга мажозий, кўчма маъно сингдирилган ҳолда! Косанинг тагида нимкоса бор, деган нақл мағзини чақа олсангиз, бунга тушуниш қийин эмас. Аммо собиқ шўролар замонида қарийб етмиш беш йил мобайнида сурункасига, мунтазам равишда «Ҳой, ҳой отамиз, тошни кесар болтамиз, бизга кимдир қарши чиқса, шартта-шартта отамиз» каби иддаолар, айтайлик, кўпмиллатли совет адабиётининг юзлаб, минглаб, миллионлаб, ҳа, миллионлаб шеърий, насрий, драматик асарларида тўғридан-тўғри, бевосита ифодаланди-ку!

Йўқ, фақат ифодаланиш билан чекланилмади. Халқ, фуқаролар томонидан ҳаётга бевосита, тўғридан-тўғри, қатъий амалга ошириладиган сиёсий ҳукм даражасига кўтарилди. Шунга мувофиқ қарийб чораги кам бир аср мобайнида юзлаб, минглаб, миллионлаб Оллоҳ бандаларининг коммунистик яккаҳокимлик қурбони бўлишига совет адабиётининг улуғланган намуналари имкон туғдирди, кўмаклашди, дейишга ҳақлимиз.

Ҳайриятки, истиқлол даврида сўз санъатини ўшандай сиёсийлаштиришга қарши кураш олиб борилмоқда, анчамунча муваффақиятларга эришилмоқда. Мулоҳазаларимиз индаллосида келтирилиб, изоҳланган шеър бунинг бир исботидир. Мазкур шеър, «Соя» деб аталиб, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Меҳнат» нашриётида 1999 йили чоп этилган сайланмасидан ўрин олган. Унда жамланган деярли барча шеърларнинг асл қадр-қиммати кўзга яққол ташланиб турмайди. Сўзлар, иборалардан шундай мажозий тасвирлар яратилганки, уларнинг мағзини чақиш учун обдон ўйланиш, бош қотириш талаб қилинади. Айтайлик, ўша «Соя» шеъридаги тасвирларни яна бир бор кўздан кечирайлик: лирик қаҳрамон гўё ўз сояси билан тўқнашиб, улар ўртасида ғалати, ғайритабиий воқеа юз беради. Қаранг-а, унинг соясига «жон» кириб, эгасидан ажралиб чиқади. Ажралиш пайтида эгасидан гўё бир кўзу қўлини олганлиги қайд этилган.

Аслида бундай воқеа ҳаётда рўй бериши асло мумкин эмас. Фақат қаҳрамон хаёлида, тасаввурида бўлиб ўтаётганини уқиб олиш керакки, буларнинг ҳаммаси мажозийликдир. «Соя»нинг эгасидан ажралиб кетиши билан ундан — лирик қаҳрамондан тили ҳам воз кечиб кетадики, бу мажозда, яъни тил, забоннинг ўз эгасини тарк этиши — инсоннинг ўзлигидан ажралиши, пировардида у ҳам яна бир «соя»га айланишини идрок этиш зарур. Бироқ бундай англаш учун ҳар қандай сўз, ибораларнинг ўзига хос «коса»си, яъни ташқи кўриниши ҳамда «нимкоса»си, яъни кўзга ташланиб турмайдиган «ички» мазмуни, битта эмас, ўнлаб маънолари бўлишини сезсангиз, уқсангиз, сўз санъатининг ўзига хос сеҳру жозибасини, таъсирини ҳис қиласиз.

Собиқ кўпмиллатли совет адабиёти байроқ қилиб кўтарган аксари асарлар ўша сеҳру жозибадан маҳрум эди. Ахир, уларда ғоявий, сиёсий мазмун бирламчи — устивор, етакчи негиз бўлганидан кейин аслиятнинг бошқача бўлиши мумкин эмас-ку! Диққат қилинг-а, собиқ шўролар даврида кўкларга кўтарилган, хилма-хил мукофотларга сазовор этилган ёзувчилар эмас, балки совет адабиётига ёт, душман, миллатчи деб қораланган Чўлпону Абдулла Қодирийлар, уларнинг тақиқланган асарлари халқ меҳру муҳаббатини қозонди-ку! Хусусан, «Кеча ва кундуз», «Ўткан кунлар», айниқса, жанговарлик, курашчанлик руҳига йўғрилган шеърлар, хилма-хил асарлар яратиб, бир неча бор даҳшатли қирғин-қатағонлар, тақиқу тазйиқларга «кўмилиб» турган Абдулла Қаҳҳору Абдулла Орипов, Одил Ёқубову, Рауф Парфи каби ўнлаб ижодкорлар ҳам шулар жумласидандир.

Уларнинг сафи, айниқса, мустақиллик даврида мустаҳкамланиб, бир қанча ёш сўз санъаткорлари қаламларидан униб чиққан ҳаққоний асарлар ҳозирги истиқлол даври адабиёти негизини ташкил этгани табиийдир. Буни теран ҳис қилган Баҳром Рўзимуҳаммад фақат ўзига хос шоир сифатида эмас, балки адабиётшунос сифатида ҳам фаолият кўрсатаётгани ибратлидир. Жумладан, унинг мана бу фикрига диққат қилинг: «Ғоя бирламчи, матн унчалик аҳамиятга эга эмас, бу шиор адабиётнинг зарарига ишлади. Ёзувчилар фақат ғояга мос тушадиган мазмунни тўқиб чиқариш билан машғул бўлиб қолдилар. Сўз санъатининг биринчи унсури ТИЛ назардан соқит қилинди. Аслида тил — асарнинг танаси. Тана йўқми, демак, асар ҳам йўқдир. Сиз фақат сўз тизмаларинигина ўқийсиз...».

Тағин шунисига эътибор берингки, юзаки қараганда қандайдир сўз тизмалари, ғоявий мазмун ҳеч қандай хавф-хатарни, зарарни англатмайди. Аслида ўша «инқилобий ғоя»га йўғрилган «Ҳой, ҳой, отамиз, тошни кесар болтамиз, бизга кимлар қарши чиқса, шартта-шартта отамиз! сатрларини талқин этганда, бизга кимлар қарши чиқса, душман бўлади, уларни йўқотиш, лозим, деган болшевикча зўравонлик ғояси англашилмайдими? Ижтимоий ҳаётда қарама-қаршилик, зиддиятлар бўлиб туришини тан олмаган, қолаверса, уларга барҳам бериш учун ягона чора — отиш, йўқотишни қурол қилиб олган собиқ шўро мафкураси нафақат тилни, балки эркин фикр юритиш имкониятини ҳам соқит қилди-ку!

Сезаяпсизми, ҳаёт ҳақиқати ниҳоятда мураккаб, бой, рангбаранг, хилма-хил мазмун касб этиб, ҳатто ўзига хос илоҳийликни ҳам қамраб олиши шубҳасиздир. Сўз санъати эса мана шу ҳақиқатни зўрлик, зўравонлик билан бадиий ҳақиқатга айлантира олмайди.

Тўғри, кўпмиллатли собиқ совет адабиёти қисман (асло тўла эмас) шундай натижага эришди, бироқ бу натижа коммунистик мафкура инқирозга учраши биланоқ ўз-ўзидан йўқолиб кетаяпти. Йўқ, бутунлай йўқолди, дейишга ҳали вақт эрта. Зотан, ҳаётнинг барча соҳаларида, хусусан, бадиий ижодда ҳам сиёсийлаштиришга интилишдан қутула олмаяпмиз. Ҳайриятки, қутулиш учун етарли асос мавжуд: гап шундаки, мустақилликнинг ҳам, ижодий эркинликнинг ҳам ҳалигача ўз бўй-басти, бор мазмуни билан ўзини, ўзлигини кўрсатиши учун курашаётгани, «соя»ларидан фориқ бўлаётгани, бу борада муайян муваффақиятларга эришилаётгани Баҳром Рўзимуҳаммад томонидан эътироф этилаётгани қувонарли: «Ғояпарастлик хасталигидан фориғ бўлган адиб матн устида тер тўкишга имкон топади. Буни биз ўз сафдошларидан ажралиб чиқиб, ўзига хос рўмонлар ёзаётган Омон Мухтор шижоатида кўрдик. Гарчанд тилда фавқулодда янгиликлар яратмаган бўлсада, шакл борасидаги изланишларини чамалаб кўриб, иқрор бўламизки, Омон Мухтор — профессионал ёзувчи. У китобхон савиясини кўтаришга интилмоқда. Худди шу жиҳатдан, Назар Эшонқулнинг «Шарпа» ҳикояси, Хайрулло, Ўрол Содиқ бадиалари, Шодиқул Ҳамроевнинг «Қора тун» қиссаси, Саломат Вафонинг кейинги пайтда ёзган ҳикоялари миллий насримизнинг янгиликлари бўлди.

Албатта, бу фикрга умуман хайрихоҳлик билдириш билан унинг айрим заиф, бирёқлама жиҳатлари мавжудлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Зотан, жаҳон миқёсидаги бадиий тараққиётга мосу хос кашфиётлар яратишга энди киришилмоқда. Уларнинг ўзларини эмас, «соя»ларини дўндириб ташлаш қийин эмас. Дарвоқе, ҳар соҳадаги «соя»лар кимларгадир қандайдир наф келтирар, бироқ бадиий савияни юксалтирмайди, балки сон, миқдор ўсишини таъминлайдики, бунга қарши кескин кураш олиб борилмаса, фақат зарар кўришимизни унутмаслик даркор.

# СИЙРАТНИНГ СУРАТЛАРИ

## «Фарғона келини» ва «Ўтган кунлар» мисолида

Жўржи Зайдоннинг Абдуллар Қодирий ижодига жобий таъсири адабиёт илмидан яхши маълум. Бадиий ижодда бир-биридан ижодий таъсирланмаган санъаткорларни учратиш қийин. Жаҳон бадииятининг эстетик тафаккур тараққиётида нуфузли ўрин тутиши ўқувчиларнинг ва адабиёт илмининг ҳамиша диққат-эътиборида.

Ҳар бир санъаткорнинг дунёни, жамиятни, инсонни тушунтиришдаги эстетик принциплари бадиий тасвир имкониятларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни Журжи Зайдон билан Абдулла Қодирийнинг «Фарғона келини» ва «Ўтган кунлар» романларидаги Жаҳон бону билан Кумуш биби образлари тасвиридаги психологик портрет яратиш маҳоратида кузутиш мумкин. Психологик портретнинг ўзига хос хусусиятлари қайси аломатлари билан хотирамизда қолади? Ҳар икки адиб тушунчаси ва бадиий талқинидаги гўзаллик унсурлари қайси белгиларда намоён бўлади?

Келинг, севган ва севилган Кумуш биби билан Жаҳон бону дил тугёнлари ифодасидаги уч ҳолатда психологик портретлари қай йўсинда акс эттирилганига эътиборни қаратайлик.

Журджи Зайдон «Фарғона келини» романида Фарғона ҳокимининг қизи Жаҳон бонуни ҳуснда танҳо гўзал бир қиз, деб таърифлайди. Унинг кўнгли Зирғом исмли йигитда. Зирғом ҳам Жаҳон бонуни ерy кўкка ишонмайди. Жаҳон бону ҳақида илк сўзларни эшитган заҳоти кўзлари ловиллаб ёниб кетади. Кўнглида нозик бир биброқ қўзғолиб, вужуд-вужудини қамраб олади: «Жаҳоннинг юзига қон югуриб, қизил гулдек очилиб кетди ва кўзлари яшиндек чақнаб, юрагида қайнаб турган севги ҳарорати сиртга тепди».

Бадиий ифодадаги қиёсий усул Жаҳон бону юз қиёфасини чизишда қўл келган. Хусусан, қизил ранг офтобдан андоза олганлиги боисиданми, ранг ва ҳароратга тўйинган. Жаҳон бонунинг туйғулари тиниқ, жўшқин ва фаол. Улар ўзлигини пинҳон тутмайди. Кўз-кўз этгудек ҳаракатчан, ҳароратли. Шу боис, дилидаги кечинмалари юзига кўчиб чиқади.

Энди худди шундай ҳолатга тушган Кумуш биби эса ўзини ўзгача тутади. Ундаги қизлик ибораси, шарқона ҳаё ҳар қанча қудратли бўлмасин, ичидан тўлқин уриб келган туйғулар жунбушини жиловлашга қодир. «Кумуш бибининг сезилар-сезилмас кулимсирашдан ёқутдек иринлари (лаблари) сотидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетди эрса-да, бурoқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундлиққа олишинди».

Абдулла қодирийнинг Кумуш бибининг сийратидан суратига кўчган ҳиснинг туйғуларини, ибоҳаёсини, ўзбекона нафис феълини тасвирлайди. Бунда адиб Жўржи Зайдондан ўзгача йўл тутади. Хусусан, Жўржи Зайдонда Жаҳон бону кечинмалари очилган гулга қиёсланади. Абдулла Қодирий тасвирида эса Кумуш биби қимтилган лаблари ичидан отилиб келаётган севинч туйғуларини очиқ-ойдин изҳор қилишга иймaнади. Лекин буткул яширишга қурби етмайди. Ошиқ кўнгил майли ним табассум бўлиб юзага кўчиб ўтадию, яна ўзини қуюқ булутлар орасига урган нур мисол тийилади.

Жўржи Зайдон Жаҳон бонунинг Зирғом билан илк учрашувидаги ички кечинмаларини қуйидагича тасвирлайди: «Кўзи Зирғомга тушиши билан Жаҳон ҳиссиётларини қандай яширишни билмай қолди. У юрагининг дук-дук ураётганини, вужудидаги титратмани бир амаллаб яширса ҳам, чеҳрасида ва кўзларида намоён бўлган зўр хурсандчилик белгиларини яширишга сира чора тополмасди». Психологик кечинмаларни ифодалашда табиат ҳодисаларининг реалликлари қаҳрамон руҳиятини намоён этишда кўмакка келади.

Абдулла Қодирий эса Кумуш бибининг Отабек билан илк учрашувидаги қуйидаги аломатларга диққатни кўчиради: «Отабек дўкондорнинг кўрсатишича Қутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вақт тасодифан нима юмуш билaндир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаган чинглин (ихчам, бежирим) йигитга беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий иккиси ҳам бирбирисидан бирмунча вақт кўз ололмадилар». Адиб Кумуш бибини ҳам, Отабекни ҳам гапиртирмайди, балки уларнинг дилидан кечган кечинмаларни, туйғуларга айланган фикр-ўйларини ўқувчининг ўзига ҳавола қилади. Адиб қаҳрамон фаолиятига, ҳатти-ҳаракатига баҳо бермайди. Аксинча, четдан туриб, моҳир мўйқалам соҳибидек руҳият қиёфасини чизади.

Қодирий романида севишганлар бир-бирларининг висолига асар бошида эришса, Зайдон асари қаҳрамонлари узоқ айриликдан сўнг, роман воқеалари адоғида бир-бирларининг висолига етишади. «Фарғона келини»да шу бетакрор лаҳзаларда Жаҳон бону кўнглидан кечганларни Зайдон қуйидагича ифодалайди: «Жаҳон Зирғомнинг овозини эшитади, унинг аъзои баданини қалтироқ босиб кетди. Уни кутиб олиш учун олдига югурмоқчи бўлди, лекин дағ-дағ қалтираб, икки оёғини ерга боса олмади. Ранги қув ўчиб кетди, лекин у тахаммул қилди, ўзини босди, довюраклигини эслади-да, ҳовли томон юра бошлади».

Абдулла Қодирий икки ошиқ бир-бирларини висолига етишган чоғдаги Кумушнинг ҳис-туйғуларини ўзгача ифодалайди: «— Сиз ўшами? — «— Мен ўша». Қодирий тасвирида қаҳрамонлар юз ифодасидаги ҳеч бир чизиқ эътибордан четда қолмайди, кўпроқ ички психологик коллизияларга, руҳиятида кечаётган туйғулар ҳаётига урғу берилади ва шу тариқа бизни ҳам қаҳрамонларнинг тақдирига шерик қилади.

Бу тахлит психолгик портрет яратиш маҳорати Абдулла Қодирий билан Жўржи Зайдон бадииятининг ўзига хос тароватини белгилайди, истеъдодлари қирраларини ташкил этади.

Азизжон РИЗАЕВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг талабаси

